Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 194 (5185).
27 АВГУСТ 1983 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Канада парламенти жамоалар палатасининг спикери Ж. Сове бошчилигидаги шу парламент делегацияси 26 август куни Тошкентга келди. СССР Олий Советининг депутати, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. П. Ликова меҳмонларга ҳамроҳ бўлмоқда.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси А. А. Хўжаев, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу кунёқ Канада парламенти аъзолари республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар,

Ю. В. АНДРОПОВНИНГ «ПРАВДА» газетаси саволларига жавоблари

Савол. Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Совет — Америка музокаралари янги даврасн бошланиши арафасида шу музокараларнинг бундан аввалги даврасида Америка томони олға силжишга умид бахш этувчи аллақандай эпчил таклифларни ўртага қўйганлиги тўғрисида Ғарбда айтилаётган гаплар ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини билишни хоҳлардик.

Жавоб. Йўқ, ҳақиқатга тўғри келмайди. Музокараларда ҳозирча ҳеч қандай олға силжиш йўқ ва АҚШнинг ҳозирги позицияси сақланиб қоладиган бўлса афсуски, бунга умид боғлаб бўлмайди.

Америка позициясининг бутун «эпчиллиги» қуйидагилардан иборат.

АҚШ илгари СССР ўртача олисликка учириладиган ҳамма ракеталарини мамлакатнинг Европа қисмидагина эмас, шу билан бирга шарқий қисмида ҳам нулга қадар қисқартирсин, яъни ўртача олисликка учириладиган ҳамма ракеталарини йўқ қилсин, деб таклиф қилган эди (бу гап Женевада олиб борилаётган музокаралар мавзуига умуман тааллуқли эмас), айни маҳалда НАТО блоки томонидан ҳеч нарса — биронта ракета ҳам, биронта самолёт ҳам сира йўқ қилинмаган — ёҳуд образли қилиб айтганда, уларнинг қисқартирилиши нулга тенг бўлган бўлур эди. Америка «нуль варианти»нинг моҳияти мана шундан иборат бўлиб, СССРдаги ракеталар йўқотилар, НАТО блокидаги ракеталар эса, сира камайтирилмаган бўлур эди.

Энди бўлса АҚШ СССР ўртача олисликка учириладиган маълум миқдордаги ракеталарини сақлаб қолишига рози бўлаяпти-ю, лекин бунда АҚШ ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларининг биронтасини ҳам камайтириши у ёқда турсин, бунинг устига Европада бу ердаги мавжуд Англия ва Франция ракеталарига қўшимча равишда совет ракеталарининг сонига баббаравар миқдорда Американинг янги ракеталарини жойлаштириш «ҳуқуқини» олган бўлур эди. Бошқача қилиб айтганда, биз ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларимизни бир ёқлама тартибда камайтиришимиз устига ўзимизга ва иттифоқчиларимизга мўлжал олдирилган Американинг янги ракеталари жойлаштирилишига ҳам розилик беришимиз керак экан.

Соғлом фикр мазах қилингандагина бу гапни эпчиллик деса бўлади.

Эпчиллик тўғрисида шу сўзнинг ҳақиқий, ижобий моҳияти тўғрисида гапирадиган бўлсак музокаралар бошланганидан бери Қўшма Штатлар эмас, Совет Иттифоқи ана шу эпчилликни кўрсатиб келмоқда.

Айни Совет Иттифоқи Европа учун сохта эмас, балки ҳақиқий нуль вариантини — ўртача олисликка учириладиган, шунингдек тактик ядро воситаларининг ҳаммасини йўқотишни таклиф этди. Лекин АҚШ бу ҳақда гапиришни ҳам хоҳламаяпти.

Башарти, Ғарб масалани шундай тубдан ҳал этишга тайёр эмас экан, — бизнинг бу ишга тайёрлигимиз ўз кучида қолаверади, — унчалик муҳим бўлмаса ҳам, аммо олисни кўзловчи бошқа бир вариантни: Европада ўртача олисликка учириладиган ҳар қандай янги воситалар жойлаштирилишини кучайтиришдан воз кечишни, мавжуд воситаларнинг эса ҳаммасини тахминан уч баравар қисқартириб, ҳозирча СССРда ва НАТО томонида 300 тадан шундай воситалар қолдиришни таклиф этдик.

Ғарбда бундай вариант адолатли эмас, чунки СССР ижозат этилган 300 та ядро воситаси миқёсида НАТО тарафида бўлганидан кўпроқ ракеталар сақлаб қола олиши мумкин, деган гаплар муносабати билан Европадаги қисқартиришлардан кейин Англия билан Францияда ўртача олисликка учириладиган қанча ракета бўлса роппа-роса шунча ракета қолдиришга тайёрлигимизни айтдик. Шунга мувофиқ иккала тарафда ўртача таъсир радиусига эга бўлган ядро қуроли элтувчи самолётлар тенг миқдорда қолган бўлур эди.

Шунда баъзи кимсалар яна бир «баҳона» қила бошлади: томонлардаги ракеталар сони баравар бўлгани ҳолда Совет Иттифоқи ўзининг СС-20 ракеталаридаги ядро қалпоқлари жами сони жиҳатидан гўё устунликка эга бўлади, деб даъво қила бошладилар. Лекин Совет Иттифоқи қурол элтувчилар (ракеталар ва самолётлар) сони жиҳатидан ҳам, шунингдек улардаги ядро зарядлари сони жиҳатидан ҳам тенглаштириш тўғрисида келишиб олишга розилик билдириши билан ана шу «баҳона» ҳам узоққа бормади.

Натижада Совет Иттифоқининг Европа зонасида ўртача олисликка учириладиган ракеталари ҳам, шу ракеталардаги ядро қалпоқчалари ҳам 1976 йилгача бўлганидан анча оз бўлур эди. Ўшанда бизда НАТОнинг нақлига кўра, тўс-тўполон келтириб чиқарган СС-20 ракеталари умуман йўқ эди.

Хўш, шундай экан, бизнинг тутган позициямизда адолатсиз ва номатлуб нима нарса бор? деган савол туғилади. Бизнинг позициямиз — томонларнинг тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципига асосланган ҳалол, изчил ва айни маҳалда эпчил позициядир. АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларида дарҳақиқат тенглик принципида аҳдлашувга заррача истак пайдо бўлганида эди Женевада олиб борилаётган музокаралардаги ишлар бутунлай бошқача йўлдан борган ва битимга келишишни бунчалик узоқ кутишга тўғри келмаган бўлур эди.

Савол. АҚШ ва НАТО қилаётган сиз эслатиб ўтган важ-корсонлардан ташқари Ғарбда СССР мамлакат Европа қисмидаги ўртача олисликка учириладиган ракеталари сонини камайтиришга розилик бераётиб, уларни ўзининг шарқий районларига кўчириш ўтказишинигина назарда тутаётир, деб кўпинча даъво қилмоқдалар. Сиз шу хусусда нима дейсиз?

Жавоб. Бундай даъволар бутунлай нотўғри. Бунда ҳеч қандай ҳийла-найранг йўқ. Европада ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини камайтиришнинг асосий методи уларни кўчириб олиб йўқ қилиб юборишдан иборат эканлигини ўзимиз бундан бир мунча илгари таклиф қилгандик. Музокараларда иккала томондан нима нарса қандай қилиб йўқ қилинишига шартлашиб олайлик, деб американликларга очиқ-ойдин айтдик. Улар эса ўзларини бундан ҳам четга олмоқдалар.

Бугун мен яна бир катта қадам қўйишга тайёрлигимизни маълум қилмоқчиман.

Ўзаро матлуб битимга, шу жумладан АҚШ Европада янги ракеталарни жойлаштиришдан воз кечишга эришилгудек бўлса Совет Иттифоқи мамлакатнинг Европа қисмидаги ўртача олисликка учириладиган ракеталарини Англия билан Франция ракеталари сонига баравар даражага қадар камайтиргани ҳолда камайтириладиган шу ракеталарнинг ҳаммасини йўқ қилган бўлур эди. Шундай қилингандида Ғарбда СС-20 номи билан маълум бўлган энг замонавий ракеталарнинг анчагина қисми ҳам йўқ қилинган бўлур эди.

Совет Иттифоқи билдираётган шу янги яхши ниятнинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаш зарурати бўлмаса керак.

Бу нарса биринчидан, гўё Совет Иттифоқи камайтирилиши лозим бўлган СС-20 ракеталарини Европадан Шарққа ўтказиб уларни сақлаб қолиш ниятида, деб НАТО мамлакатларида тарқатилаётган гапларни чиппакка чиқаради.

Иккинчидан, ҳозир Хитой билан Япония ракеталарнинг шундай жойи ўзгартирилиши имкониятлари хусусида ташвишланиб айтаётган гаплар ҳам бирон асосдан маҳрум бўлади.

Айтилган шу гаплардан Совет Иттифоқи музокараларда масалани ҳал этиш йўлини топиш учун, Европада ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасининг навбатдаги, чунончи ниҳоятда хатарли даврасига йўл қўймайдиган ўзаро матлуб аҳдлашувга эришиш учун ўзига боғлиқ ҳамма ишни қилиб келганлиги ва ҳозирда ҳам шундай қилаётганлиги ҳар бир ҳолис ниятли кишига равшан бўлмоғи керак.

Шундай аҳдлашувга эришиб бўлиш-бўлмаслиги АҚШга, умуман НАТОга боғлиқ. 6 сентябрда бошланадиган музокараларнинг бўлғуси даврасн шу жиҳатдан олганда, ҳал қилувчи музокаралар бўлади.

Яна бир бор таъкидлаб ўтаманки, Совет Иттифоқи музокаралар бошлангандан бери амалий ва эпчил йўл тутиб келаяпти. Бошқа бир гапни ҳам уқтирмоқчиман: эпчиллигимизнинг ҳам чеки бор — Совет давлати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигининг манфаатлари шуни тақозо этади.

Музокараларда АҚШнинг тутадиган позицияси аввалгидек ноконструктив ва бир ёқлама бўлиб қолаверса иш Европада Америка «Першинглари» ва қанотли ракеталари амалда жойлаштирилишигача бориб етадиган бўлса, регионал миқёсда, Европа миқёсида ҳам, ялпи миқёсда ҳам кучлар мувозанатини сақлаш учун, табиийки, тегишли қарши чоралар кўришимизга тўғри келадики, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай гумон бўлмаслиги керак.

Савол. Сиз Европада ядро қуроллари тўғрисидаги масалада Хитойни эсга олиб ўтишингиз муносабати билан ядро қуролларини чеклаш ва умуман қуролсизланиш масалалари юзасидан ХХРнинг позицияси қандай, деб савол беришни истар эдик.

Жавоб. Маълумки, Хитой Халқ Республикасининг ўз ядро потенциали бор; бу потенциал аста-секин ўсиб бормоқда. Хитой ядро қуролларини чеклаш ва қисқартиришга доир музокараларда ҳозирча иштирок қилаётгани йўқ. Ҳозирги вақтда ХХР раҳбарларида ядро қуроли ва бошқа қуролларга оид бўлган ҳамда БМТда ва Женева қуролсизланиш комитетида муҳокама этилаётган баъзи масалаларга гўё қизиқиш пайдо бўлганлигини пайқаб турибмиз. Башарти, бу тенденция ривожланар экан, шубҳа йўқки, Хитой ядро урушининг олдини олиш ва ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал этишга катта ҳисса қўша олган бўлур эди.

Савол. Сиз Совет — Хитой муносабатлари тўғрисида бирор гап айтишни истар эдингизми?

Жавоб. Биз йигирма йил мобайнидаги Совет — Хитой муносабатлари аҳволини нонормал бир ҳолат, деб ҳисоблаб келмоқдамиз.

Кейинги вақтларда бизнинг муносабатларимизда баъзи ижобий тенденциялар рўй берди. Икки мамлакат ўртасида махсус вакиллар даражасида сиёсий маслаҳатлар олиб борилмоқда, уларнинг навбатдаги даврас 6 октябрда Пекинда бошланади. Савдо-сотиқ ҳажмлари ўсмоқда, бошқа бир қанча соҳалардаги алоқалар аста-секин ривожланмоқда.

Аммо икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги даражаси бизнинг фикримизча, Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси каби буюк ва қўшни давлатлар ўртасида ўрнатилиши лозим бўлган даражада эмас.

Савдо-сотиқни янада кенгайтириш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида, маданий, спорт алоқалари ва бошқа хилдаги алоқалар соҳасида кўп иш қилиш мумкин. Совет — Хитой чегараси районида ишонч тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда муҳитни яхшилашга анча ёрдам берган бўлур эди.

Биз жаҳон тараққиётининг туб масалалари юзасидан, аввало тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам Хитой билан сиёсий мулоқот олиб боришга тайёрмиз.

Баъзи муҳим халқаро проблемаларга, айрим давлатлар билан муносабатларга ёндашишда Хитой билан бизнинг орамизда кўпгина тафовутлар бор, албатта. Аммо биз шу нарсага қатъий асосланамизки, Совет — Хитой муносабатлари учинчи мамлакатларга зарар етказмайдиган тарзда қурилиши керак. Биз Хитой томонидан ҳам шу нарсани кутамиз.

СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларни соғломлаштириш халқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда жуда муҳим ва актуал аҳамиятга эгадир. Биз уруш хавфини йўқотиш ва тинчликни мустаҳкамлаш масалаларида Совет ва Хитой халқларининг манфаатлари объектив равишда бир-биридан фарқ қилмаслигига ишончимиз комил. Тинчлик социализм идеали эканлиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ҳар икки мамлакатларимизнинг узоқ вақтларга мўлжалланган катта хўжалик вазифалари бор. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун қулай ташқи шароитлар бўлиши керак.

Шу тариқа, Совет — Хитой муносабатларининг ижобий ривожланишидан мамлакатларимиз ҳам ютиб чиқади, бутун халқаро вазият ҳам шубҳасиз, наф кўради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг 18 августда Америка сенаторларининг бир группаси билан қилган суҳбати якунларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Бу суҳбат муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди. Ўртоқ Ю. В. Андропов суҳбат вақтида Совет — Америка муносабатларини ривожлантириш, мустаҳкам тинчлик учун, ракета-ядро уруши хавфини йўқотиш учун кураш масалаларида Совет Иттифоқининг принципиал йўл-йўриқларини уқтириб ўтди, шунингдек СССРнинг тинчлик борасидаги янги ташаббуслари баён қилинди.

Сиёсий бюронинг мажлисида Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатлари билан ҳар икки томонга наф келтирадиган ва умумий тинчлик иши учун кўп жиҳатдан фойдали бўлган нормал, яхши муносабатларда бўлишни истаётганлигини АҚШ давлат, сиёсат арбоблари ва жамоатчилиги аниқ-равшан тасаввур этиши зарур эканлиги уқтирилди. Бирор кимса кескинлик вазиятида СССРдан устун бўлишга умид қиладиган бўлса, бу — хатарли янглишишдир.

Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бундан буён қай тариқа бориши Европада ядро қуроллари билан қуролланишни чеклаш тўғрисидаги Женева музокараларида масалани ҳал этиш йўлларини топиш ёки топмасликка кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сиёсий бюронинг мажлисида уқтириб ўтилганидек, Женева музокараларида АҚШ ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда ҳалол келишиб олишга интилган тақдирда муваффақият қозониш мумкин. Аммо Совет Иттифоқи ва бизнинг иттифоқчиларимиз манфаатларига зарар етказган ҳолда Совет Иттифоқининг бир томонлама ён беришига умид боғлаш ҳеч қандай истиқболга эга эмас.

Сиёсий бюро суҳбат вақтида ўртоқ Ю. В. Андроповнинг стратегик қуролларни чеклаш тўғрисидаги музокараларга доир баён этган қоидалари ва Совет Иттифоқи ҳамда АҚШнинг ядро қуролларини кўпайтирмаслик тўғрисидаги совет таклифлари, шунингдек қуролланиш пойгасини космосга ёйишдек муддҳиш ва реал хавфнинг олдини олиш борасидаги янги совет ташаббуси катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Совет Иттифоқининг жаҳондаги кўп мамлакатларда маъқулланган бу ташаббуси «Космик фазода ва космосдан Ерга нисбатан куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисида»ги Шартнома лойиҳасида ўзининг конкрет ифодасини топди. Совет Иттифоқи бу лойиҳани расмий суратда БМТга тақдим этди. Сиёсий бюро Қўшма Штатлар йўлдошга қарши ишлатиладиган қуролни космосга учиришни бир томонлама тўхтатиб қўйишни эълон қилган СССРдан ўрнак олади, деб умид билдиради.

Ўртоқ Ю. В. Андропов ҳозирги вақтда жаҳонда мавжуд бўлган кескинлик ва можаро манбалари проблемасига СССР қандай ёндашаётганлигини баён қилиб берди. Бу ёндашиш давлатларнинг ички ишларига четдан аралашувга, таҳдид қилиш ва қуролли кучларни ишлатишга йўл қўймасликни, можароларни тинч воситалар билан, ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлларини қидириб топиш билан бартараф қилиш зарурлигини кўзда тутади. Сиёсий бюронинг мажлисида бундай ёндашув принципиал аҳамиятга молик эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиевнинг Сурия Халқ кенгаши делегацияси билан қилган суҳбатини маъқуллади. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида Совет—Сурия муносабатлари муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этилди. Яқин Шарқдаги можарони кенг кўламда адолатли бартараф қилиш учун курашда ҳар икки мамлакат биргаликда ҳаракат қилаётганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси чорва мол қишловини муваффақиятли ўтказиш, 1982—1983 йилларнинг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқди. Кўпгина колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, районлар, областлар, ўлкалар, автоном ва иттифоқдош республикалар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб чорвачиликнинг ем-хашак базасини анча мустаҳкамладилар, мол туёғини сақлаш ва унинг маҳсулдорлигини оширишни таъминладилар ва шу асосда мол қишловини уюшқоқлик билан ўтказиб, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда катта силжишларга эришдилар, давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларни бажардилар, мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шу билан бирга бир қанча республика, ўлка ва областларда социалистик мусобақа натижаларини якунлаш вақтида чорва мол қишловини ўтказиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилишда катта камчиликлар борлиги: озуқа тайёрлаш учун имкониятлардан суст фойдаланилганлиги, унинг запаслари оқилона сарф қилинмаётганлиги ҳам аниқланди.

8 иттифоқдош республика, 33 автоном республика, ўлка ва область, 200 қишлоқ райони, 1000 колхоз, совхоз, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди ҳамда уларга пул мукофотлари берилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқ хўжалигидаги ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларидаги ходимларнинг фидокорона меҳнатига юксак баҳо бериб, қишлоқ меҳнаткашларини 1983—1984 йиллардаги қиш даврида мол қишловини муваффақиятли ўтказиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини давом эттиришга даъват қилдилар. Шу мақсадда барча хўжаликларга дон ва бошқа экинлар ўрим-йиғимни туғаллана бориши билан бўшаб қолган куч ва воситаларни озуқа тайёрлаш, хусусан силос бостиришни давом эттиришга дарҳол сафарбар қилишни, бунда мавжуд чорва молларни қўлда боқиш даврида ширали ва дағал озуқа билан тўла таъминлашни кўзда тутиш тавсия этилди.

Сиёсий бюронинг мажлисида СССРнинг ички ва халқаро ҳаётига доир бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

Пойтахт районлари: юбилейолди йўқламаси

Сергели райони

АЭРОБУС СИБИРГА УЧМОҚДА

(РЕПОРТАЖ)

Аэрофлот дарғаси— 350 ўринли «ИЛ—86» аэробуси ўзининг Тошкентдан бошланадиган учинчи ҳаво йўлини очди.

... Сергели район ижроия комитети депутати бортпроводник Наталья Метюшкова депутатлик вазифасини бажараётиб, ижроия комитетидан аэропортга телефон қилди.

— Сиз аэробуснинг Тошкент — Новосибирск— Тошкент маршрути бўйича биринчи рейсга хизмат қиласиз. Табриклаймиз! — дейишди унга ҳамкасблари.

Янги авиатрассани очиш «ИЛ—86»» аэробусига хизмат кўрсатадиган энг яхши бортпроводниклар бригадасининг Наташа билан бирга ишлаётган бошқа аъзолари —Людмила Петрова, Людмила Евдокимова, уларнинг мураббийси бригада бошлиғи А. В. Сидоренколарга ишониб топширилди.

Самолёт кабинасида эса аэробус янги трассасини очишда мунтазам қатнашаётган Улуғбек Атҳамович Ғозиназаров бошчилигидаги экипаж аъзолари йиғилдилар.

Аэробуснинг йўловчилар билан тўла иккинчи бор Новосибирскка парвозига ҳам шу бортпроводниклар бригадаси хизмат кўрсатди. Самолётни эса биринчи класс учувчи Владимир Петрович Морозов раҳбарлигидаги экипаж бошқариб борди. Улар бу гал мураккаб метеорология шарт-шароитлар и д а учиб, ўзига хос имтиҳондан шараф билан ўтишди.

«ИЛ— 86» самолётларини бошқариш амалда экипаж аъзоларининг ҳар қайсисидан катта маҳорат, билим ва малака талаб этади. Экипажнинг барча тўрт аъзоси олий маълумотли ва биринчи класс учувчилардир. Бошқача айтганда улар энг юксак касб маҳоратига эга. Командир В. Морозов, иккинчи учувчи В. Н. Шуклин, штурман В. И. Ермаков, бортинженер В. Е. Степаненколар ана шундай юксак маҳорат соҳибларидир. Улар ҳаводаги шамол оқимлари ва тезликларини ҳисобга олган ҳолда самолётни бошқариб вақтдан, ёқилғидан катта самара билан фойдалана олганликлари бунинг ёрқин далилидир. Улар энг қулай баландлик ва тезликни танлаб учиш орқали Тошкент ва Новосибирск ўртасидаги трассани 2,5 соатда босиб ўтади.

Самолётни қўндириш бироз мураккаб вазиятда кечди: кутилмаганда об-ҳаво ўзгариб қолди, шаҳарда кучли жала қуяётган эди.

— Қўнамиз,—В. П. Морозовнинг буйруғи янгради, шундан сўнг у экипажни алоҳида огоҳ қилди:

— Экипаж эътибори кучайтирилсин. Қўниш майдони ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган, югуриш масофаси узаяди.

Авиалайнер н и н г қудратли тўрт турбинаси махсус иш режимига ўтказилди. Экипаж бутун маҳоратини ишга солиши туфайли деярли 200 тонналик аэробус секин тормозланиб оҳиста қўнди.

Яна икки соатдан кейин аэробусимиз Обь дарёси устидан айланиб учиб, Тошкентга йўл олди.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

● ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

САККИЗ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Шаҳар меҳнаткашларининг Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган зарбдор вахтаси муваффақият билан тугади. Кеча Ўзбекистон пойтахти индустрияси ишлаб чиқариш коллективлари саноат буюмларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича шу йилнинг саккиз ойи планини муддатидан аввал бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шаҳар ишлаб чиқариш коллективлари суръатни сусайтирмай ой охиригача мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 10 миллионлаб сўмлик машинасозлик, приборсозлик, қурилиш индустрияси буюмлари, озиқ-овқат, мебель ва маҳаллий саноат маҳсулотлари етказиб берадилар.

Байрамолди зарбдор вахтасидаги социалистик мусобақада Акмал Икромов, Ҳамза, Собир Раҳимов, Чилонзор, Сергели ва шаҳардаги бошқа районларнинг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари юксак натижаларга эришдилар.

Шаҳар юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган меҳнат беллашувида В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмаси «Технолог», «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Матбуот» полиграфия бирлашмаси, Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, электронтехника, «Ташсельмаш», «Ташавтоматика», экскаватор ремонти заводлари, қурилиш материаллари, булка-кондитер комбинатлари, чолғу асбоблари, тамаки фабрикалари каби корхоналар январь-август ойлари планини биринчилардан бўлиб бажариб, намуна кўрсатдилар.

Шаҳар меҳнат коллективлари социалистик мусобақада муҳим маррани эгаллаб, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленумлари қарорларини бажариш, меҳнатни янада интенсивлаш, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтиришапти, 1983 йил ва бутун беш йиллик учун қабул қилинган давлат топшириқлари ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш учун ҳамма чораларни кўришади.

● ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ОЛИМЛАР ТУҲФАСИ

БУГУН пойтахтимиздаги «Рассом» комбинатида полимер толадан ярим тайёр маҳсулот тайёрлайдиган ҳаракатдаги қуритгич макети тайёрланди. Мазкур макет Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси фан ва техника павильонида намойиш этилади.

Мазкур қуритгичнинг тажриба макети Тошкент политехника институти энергетиклари томонидан ишланди. Ушбу макет бўйича тайёрланган саноат мосламаси Саратов областининг Энгельс шаҳрида ишга туширилиши кўзланмоқда.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«РЕСТОРАНДАГИ ҒАЛАТИ ҲИСОБЛАР»

Газетамизнинг 1983 йил 11 июнь сонида эълон қилинган фельетон ана шундай деб аталганди. Унда «Москва» ресторанидаги камчиликлар ҳақида ёзилганди. Ана шу фельетонга туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Советидан жавоб олинди.

«Туристик комплекс директорининг буйруғига биноан «Ресторандаги ғалати ҳисоблар» фельетонида номлари қайд этилган айбдор шахслар қаттиқ жазоландилар. Нархларни тартибга солиш, комплекс тушлик овқатларини жорий этиш, озиқ-овқат маҳсулотларига янги ягона қийматларни қўллаш бўйича тадбирлар белгиланди. Туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Совети коллегияси шу йилнинг 18 июль куни «Москва» туристик комплексида туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш ишларининг аҳволи ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Ана шу ишдаги жиддий камчиликлар қайд этиб ўтилди. Коллегия қарори билан йўл қўйилган камчиликлар учун «Москва» ресторани директори А. Содиқовга виговор эълон қилинди. Туристик комплекс директори Б. Саидовнинг диққати туристларга хизмат кўрсатишдаги мавжуд нуқсонларга қаратилди.

Туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Совети «Москва» туристик комплекси ходимлардан бир группаси «Тошкент оқшоми» редакциясига ёзган фактларни ҳам кўриб чиқди. Чиндан ҳам 1977 йилда «Муштум» журналида босилган «Хилватда думба на қилур» фельетонида келтирилган мисоллар рўй берганди. Айбдорлар, шу жумладан, «Саёҳат» ресторани ишлаб чиқариш бўлими мудири А. Содиқов жазоланган эдилар. 1978 йилда Тошкент шаҳар халқ контроли комитети текшириши пайтида «Саёҳат» ресторани буфетчиси Аббосова харидорлар ҳақига хиёнат қилганлиги факти аниқланганди. Ана шу масалани муҳокама қилиш пайтида комитет йиғилишида «Саёҳат» туристик комплекси директорининг ўринбосари А. Содиқовга моддий жавобгар кишилар устидан назорат ўрнатмаганлиги учун виговор эълон қилинган эди».

Э. АМИНОВ,
Туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Советининг раиси.

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ КОНКУРС

ҚАРДОШ ҚЎЛЛАР ҚУРГАН ТОШКЕНТИМ...

Шанба оқшомлари хонадонимиз гавжумлашиб кетади. Катталар ишдан, фарзандлар ўқишдан, набиралар боғчадан келишади. Бир зумда хонадонга файз киради. Ҳа, бу онларнинг гашти ўзгача... Набиралар савол билан «ҳужум»га ўтадилар. Биз катталар саволга жавоб излай-излай толамиз. Жиянимиз Аминжон бундай пайтда хандон ташлаб куларкан: «Саволлар ҳужумга ўтди, жавоблар чекинмоқда»,—деб қўяди.

Сўнгги оқшом суҳбатимиз мавзуси Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи ҳақида борди. Ҳар тарафдан саволлар ёғилди. Биз катталар эса жавоб излаб толамиз. Баъзида жавоб излаб «Қобуснома»ларга ҳам мурожаат қиламиз. Шундай қилиб, мен набираларга Тошкентнинг кечаги куни ҳақида ҳикоя қила бошлайман.

Тошкент шаҳрининг қай тарафидан кириб борилса, оппоқ қанотларини жуфтлаб учишга шайланган афсонавий қушни эслатувчи муҳташам бино кўзга ташланади. Бу шаҳримизда қад ростлаган неча-неча осмонўпар биноларнинг бири — «Москва» меҳмонхонасидир.

«Биз кўча чангитиб ўйнаб ўсган Чорсу ростдан ҳам шуми?» деб савол берасан ўзингга. Эҳ-ҳе, шунчалар ўзгариб кетганки, тавсифига тил ожиз. Кечагина эди биз «Ҳовузбоғ», «Қаландархона», «Ғўзабозор», «Тиконли мозор», «Олмазор», «Дегрез» маҳаллаларининг шўх, ўктам болалари тўдалашиб, шу тарафга шошилардик. Негаки бу ерда шаҳримиздаги бир нечагина саноат корхонасининг бири — нонвойхона бўлар эди: биримизнинг отамиз, биримизнинг онамиз, амаки-тоғаларимиз шу нонвойхонада ва Жомеъ масжиди яқинидаги кўрпа артелида хизмат қилишарди. Уларнинг ишдан чиқишини кутиб Чорсуда ўралашган биз болалар шаҳардаги ягона 1-трамвай айланадиган (ҳозир Тошкентда йигирмадан ортиқ трамвай, шунга яраша троллейбус ва автобус маршрутлари шаҳарликлар хизматида) кўприк ёнидаги қатор дўконларда савдо қилаётган қандолатфурушларга ҳасадимиз келиб, ширинликларни суқланиб томоша қиламиз. Негаки у ширинликлардан тотиниш ҳамма вақт ҳам насиб бўлавермайди-да! Шунинг учун бу ерда кўп ўралашмаймиз — нонвойхонанинг орқа тарафига ўтамиз, ҳамма томоша шу ерда. Бир томонда тандирсозлар тандирларини териб ташлашган. Нарироқда, жарликда, анҳор ёқасида эса юзлаб булоқлар қайнаб ётади.

Булоқбоши ниҳоятда гавжум: куни билан бозорда изғиб ризқ излаган тиланчилар булоқ бўйида дам оладилар: белбоғларини ерга ёзиб, топган-тутганларини тўкиб солганлар («Москва» меҳмонхонаси ҳозир нақ шу жарлик устида қад кўтарган). Ўша ўттизинчи йилларда Тошкентда тиланчи ва девоналар шунчалар кўп бўлардики, бу севимли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарида яхши тасвирланган.

«...Мум бозорига чиққанимизда маҳкама томондан қаландархонада тупроқ ялаб ётган Миттихон тўрамнинг қаландарлари безанжир айиқлардай, маст туялардай талқин ўқиб, растани бошларига кўтариб келар эдилар. Қаландарлар Матжомига қараб кўтарилдилар. Матжоминнинг орқасида ғўза бозорга туташ ерда катта яланглик бор эди. Бугун шу ялангликда Тошкентнинг, Тошкентнигина эмас, бутун Ўрта Осиё музофотининг воизи— Кўсамаддоҳ ваъз сўзлаши керак. Қаландарлар Кўсамаддоҳнинг жарчилари эди...»

Биз ҳам болалик йилларимизда худди шу манзараларнинг гувоҳи бўлганмиз. Ҳурматли адибимиз Ғафур Ғулом ҳикоясидаги бу қаландарлар бизга қўшни маҳаллада истиқомат қилар эдилар. Лекин янги давр руҳи улар хонадонига ҳам кириб борган эди. Миттихон тўранинг набиралари илм-маърифат йўлидан бордилар, олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишдилар. Миттихон тўранинг таниқли рассом бўлиб етишган бир набираси Баҳром Ҳамдамов Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди.

Оч, юпун, саводсиз халқни тўйдириш, кийинтириш, ўқитиш масалалари долзарб эди. Советлар диёри деб аталмиш бепоён мамлакатимиз бўйлаб иккинчи беш йиллик одимламоқда эди. Бу беш йиллик олдида турган бош вазифа қўшиқларда шундай куйланарди:

«Иккинчи беш
йиллик планда
бизлар социализм
қурамиз...»

Қўшиқлар турли-турли эди. Уларнинг аксарияти янги ҳаётга, коллектив меҳнатга чорларди:

«Ёшлигим, ёшлигим,
Менинг шул
ёшлигим.
Яшноқ давримизга
йўлдошлигим...
Ўйнай-яркирай,
яйраб ҳайқирай
Тенгдошларимни
ишга чақирай...»

Маҳалла чойхоналаридаги қизил бурчакларда, гузарлардаги клубларда, хонадонларда саводсизликни ва чаласаводликни тугатиш курслари иши серавж. Янгилик эскилик устидан ғолиб келган эди. Аммо у пайтларда биз, эски шаҳарлик болалар бир мактабда ўқиймиз. У пайтлар, ҳозиргидек мактаб учун махсус бинолар қаёкда... Мактабимиз Жомеъ масжидига жойлашган эди. Шаҳарда мактаб кам бўлса керакки, синфдошларимиз бир томони қор ёғди, Баланд масжид. Қаймоқ бозордан (ҳозирги Қизил майдонгача) қатнаса бир томони Пичоқчилик, Сағбонлардан қатнарди.

Эрта билан туриб жилдларимизни кўтариб (портфеллар қайда) мактабга шошиламиз. Синфларда дарс ўтилаверади.

Янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш шу зайл давом этади ва ғолиб келиб, Жомеъ масжиди совет мактаби ихтиёрига тамомила ўтиб кетади ва Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам биз шу ерда таълим оламиз. Орадан қирқ йилдан ортиқ вақт ўтиб ўша йилларни эслаганимизда ўқитувчиларимиз руҳи олдида таъзим қиламиз (уларнинг кўплари Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлишди).

Болалигимиз билан бугунги кунимизни қирқ йиллик масофа ажратиб турибди. Тарих солномасида қирқ йил нима деган гап. Аммо бу қирқ йил ичида бизнинг севимли она шаҳримиз, пойтахтимиз Тошкент ва тошкентликлар шунчалар ўзгардики, бу ўзгаришлар шундоққина кўз ўнгимизда.

Хаёлан ўзимиз ўсган Ҳовузбоғ маҳалласидан Хадрага чиқаман. Бу маҳалла «Тоштрам»нинг орқасида бўлгучи эди. Қирқинчи йилларда Тошкентда биронта асфальт кўча йўқ эди. Хадрадан тўғрига кетган тош кўча Ўрдагача боради. Бу кўчанинг икки тарафида бир қатор пастак уйлар. Навоий проспекти деб аталмиш бу кўчадан ўтган трамвай, троллейбус, автобусларнинг ҳисоби йўқ ҳозир. Хадрадан Ўрдагача қатор кетган муҳташам биноларда маиший хизмат кўрсатиш уйи, ўнлаб нашриётлар, алоқа министрлиги, Марказий телеграф, магазинлар ва яна аллақанча идора ва корхоналар жойлашганди. Мабодо кун ботар тарафга юрсагу, «Москва» меҳмонхонаси ёнидан ўтиб, трамвай йўли билан кетсак, яна бир ажойиб проспект бизни студентлар шаҳарчаси томон олиб боради. Йўлнинг чап тарафи кета-кетгунча яқингинада қурилиб битган уй-жойлар. Иссиқ сувдан тортиб газгача бор, ҳамма қулайликларга эга бу кошоналарда ҳамшаҳарларимиз истиқомат қилишади. Студентлар шаҳарчаси эса алоҳида тасвир ва тавсифга муносиб. Бу буюк фан даргоҳининг ўнлаб факультетлари неча минглаб талабаларни ўз қучоғига олган. Бизнинг болалик йилларимизда эса Янги шаҳарда бутун Ўрта Осиё учун ягона дорилфунун ишларди. Ҳамма нарса ягона эди. Республикада ягона тўқимачилик комбинати, ягона медицина техникуми, ягона музей...

Дўстлик, қардошлик ва биродарлик шаҳри бўлган Тошкентни хаёл кўзида кезиб чиқамиз. Эҳ-ҳе... 2000 ёшли қадимий Тошкент кундан-кунга яшариб, янги чирой касб этмоқда. 1966 йил тошкентликлар бошига тушган оғир мусибат кунлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб аталмиш диёримиздаги барча қардош халқлар тошкентликларга кўмакка келдилар. Шоир тили билан айтганда:

Бутун ўлка келди
бизни суяшга,
Шаҳримизнинг очиқ
эшикларидан
Қуёшдай беминнат
Чақиндай тезкор,
Кўҳна шаҳримизда:
ҳеч қуламасга,
На йиллар, на
селдан ҳеч нурамасга
Меҳрдан, садоқат
йўғирмасидан
Уйлар қурди
Дўстлик номли
Бинокор...

Мана улар, Дўстлик номли Бинокор қўлларининг маҳсули: В. И. Ленин музейи, муҳташам Халқлар дўстлиги саройи, Санъат музейи, «Ўзбекистон», «Ленинград» меҳмонхоналари, В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени... Бу рўйхатнинг ниҳояси йўқ.

Дўстлик қўлларида қайта қурилган Тошкент кун сайин чирой очмоқда. Биз тошкентликлар уни яна ҳам кўркам ва кўкаламзор бўлиши учун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Мажбуриятдан ўзиб

Ирода Тўлаганова ёш бўлишига қарамасдан тажрибали чеварлардан. У Тошкент политехникумида назарий билим олиб, тўрт йилдан бери «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Моҳир тикувчи ойлик план-топшириқларни 155—160 процентга етказиб бажаришга эришмоқда. И. Тўлаганова ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш билан бирга олий ўқув юртининг кечки бўлимида ҳам таҳсил олмоқда.

И. Тўлаганова корхонада ўзига биркитилган бир операция ўрнига иккита мураккаб тикув операциясини муваффақият билан уддаламоқда. У меҳнат қилаётган бригада аъзолари бир кунда 110 та пальтонинг астарини тикишга муваффақ бўлишмоқда.

«Коммунистик меҳнат зарбдори» номини олиш ёш тикувчининг асосий мақсади эди. У бу мақсадига эришди ҳам. Шаҳар илғор ишчиларининг пойтахтнинг 2000 йиллик юбилейига йиллик планни бажариш ташаббусига қўшилган И. Тўлаганова шу кунларда декабрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бу унинг мажбуриятдан ўзиб ишлаётганидан далолат бериб турибди.

Суратда: И. Тўлаганова иш жараёнида.

Н. КОЗИНСКИЙ,
Автор фотоси.

● Меҳнат семестри—83

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг фалсафа-иқтисод факультетида ташкил этилган «Марксист» қурилиш отряди тўғрисида илиқ гапларни эшитиш мумкин. Бунинг боиси бор. Отряд ўтган йили Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси объектларида ишлаб, студент-қурилиш отрядлари ўртасидаги мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди.

Отряд жангчилари бу йил ҳам бўш келишмаяпти. 50 кишидан иборат студент-қурувчилар учинчи меҳнат семестрида 25 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилган эдилар. Мана бу мажбурият шараф билан уддаланди.

— Отрядимиз жангчилари қурилиш ишларидан ташқари,— дейди отряд комиссари Ш. Қобилов, — оммавий-тарбиявий ишларда ҳам фаол иштирок этишяпти. Оталиғимиздаги Тошкент республика пансионатидаги қариялар, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари билан учрашиб, қизиқарли мавзуларда лекциялар ўқишяпти, ўзлари тайёрлаган концерт программаси билан уларни хушнуд этяптилар. Отрядимиз жангчиси У. Худойқулов эса шаҳардаги 24-болалар уйи учун халқ афсоналари сюжетлари асосида расмлар туркумини чизиб берди.

Шу кунларда отряд аъзолари ўз зиммаларига олган қўшимча мажбуриятни бажариш билан Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

● ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

Чиройига чирой қўшиб

Бу ерда қурилиш ишлари деярли тугаллнай деб қолди. Яна бир неча кунлардан сўнг фойдаланишга топширилиши лозим бўлган бу гумбазсимон бино меҳнаткашларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган, кўнгилли суҳбат қурадиган масканига айланади. Ички, ташқи девор безаклари ҳар бир тошкентликнинг, ҳар бир қорақамишлик диққат-эътиборини тортиб, ўзига мафтун этади. Кошинларида, пештоқларда акс этган рангларда ҳаёт жилосини кўриш, давримиз, замонамизга нисбатан минг карра меҳр-муҳаббат туйғусини англаш мумкин.

Тошкентнинг 2-Қорақамиш массивида барпо қилинган, қадимий шарқона услубда яратилган 100 кишилик чойхона она шаҳримизнинг 2000 йиллик тўйига муносиб совға бўла олади. Уни «Узколхозстрой»га қарашли Бағдод механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари қуришмоқда.

— Ҳозирги кунда пардозлаш ишларини олиб боряпмиз,— дейди бригада бошлиғи, колонна коллективида социалистик мусобақа пешқадамларидан бири Алижон Каримов. — Мирзаакбар Эшонов, Раҳмонали Маҳмудвалиев сингари усталаримиз чойхона безагини амалга оширишмоқда.

Қадимий ва навқирон Тошкентимизнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўришда актив қатнашиш учун келган Андижон, Фарғона ва Қашқадарё областлари қурувчилари ҳам шаҳарнинг 2-Қорақамиш массиви микрорайонларида, жумладан 5-микрорайонида юксак савиядаги қурилиш ишларини амалга оширяптилар.

Н. АЛИМОВ.

ҚИШ—СИНОВ ДАВРИ

УЙЛАРИМИЗ ИССИҚ БЎЛСИН

Ёзнинг сўнгги ойи ҳам ниҳоясига етмоқда. Кунлар қисқариб, тунлар салқинлашиб бормоқда. «Қиш ғамини ёзда е...» мақолига амал қилишнинг айни пайти. Шаҳар хўжалигининг кузги-қишки мавсумда бир маромда ишлашини таъминлаш учун нималар қилиняпти?

Уй-жой-коммунал ташкилотлар коллективлари, халқ депутатлари район Советлари, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ходимлари билан биргаликда ўтган қишда йўл қўйилган нуқсонларни ҳисобга олиб, янги синов даврига тайёргарлик кўришда конкрет чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Шу муносабат билан ташкил қилинган шаҳар комиссияси ҳар ҳафтада ушбу тараддуднинг боришини текширмоқда, чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган асосий ишларни бажаришга ташкилотчилик қилмоқда.

Аҳоли ва корхоналар эҳтиёжи учун ёқилғини тўплаш, иссиқлик ва электр энергиясининг бекорга исроф бўлиш ҳолларини бартараф этиш катта аҳамиятга моликдир. Мана шу мақсадда эскирган иситиш тармоқлари ремонт қилинмоқда, алмаштирилмоқда, кам самара берадиган қозонхоналар бирлаштирилиб, йириклаштирилмоқда.

Бироқ бу муҳим иш биз истаган даражада олиб борилмаяпти. Иссиқлик трассасидаги ишдан чиққан қувурларни ҳамда изоляцияни алмаштиришда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Шунингдек, уй-жой фондини қишга тайёрлашнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Шаҳарнинг бу улкан хўжалигига маҳаллий Советларга қарашли 7.445 турар жой биноси ёки 190 минг квартира киради. Мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш учун ҳар бир турар жой биноси алоҳида-алоҳида текширувдан ўтмоғи лозим. Фақат мана шундан сўнггина уйнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ҳақидаги паспортни тузиш мумкин. Ҳозирги вақтда 15,4 минг квадрат метр ҳажмда том усти, шунингдек, тарновлар, подъезд эшиклари, 40 минг квадрат метрдан зиёд йўлак, 78 турар жой биносининг ташқи томонлари ремонтдан чиқарилди. Шу йилнинг ўтган етти ойи давомида турар жойларнинг капитал ремонтига 84890 минг сўм сарф этилди. Уйларнинг ярмидан кўпидаги иситиш тармоғи ювилиб, тозаланди. Кўпгина шаҳарликлар айрим уйларда ҳарорат 13—15 даражадан юқори кўтарилмаган ўтган йилги қишни эслаб, ҳозирнинг ўзида ташвишланиб редакцияга мактублар ёзишяпти.

«Беш йилдан бери квартирамиз шифтининг бурчагидан сув ўтади, — деб ёзади пенсионер Е. Пирогова (Чилонзор массиви, 18-квартал, 10-уй, 20-квартира).— Ёмғирдан сўнг хона ва балкон сувга тўлади. Бунинг устига хоналар яхши иситилмайди. Бу ҳақда 62-турар жой биноларидан фойдаланиш участкаси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдик, улар ҳеч қанақа чора-тадбир белгилашмаяпти». Худди шундай ёмон аҳвол В. Чурсиннинг квартирасида (Чилонзор массиви, 12-квартал, 42-уй, 6-квартира) ҳам мавжуд.

«Биз истиқомат қилаётган 27-уй экспериментал ҳисобланади, — дея хабар беради («Марказ-17», «Марказ-18» кварталлари) Н. Альбекова, А. Шурункова, Х. Юнусов, — лекин, назаримизда, бизнинг сабр-тоқатимиз эксперимент қилинаётганга ўхшайди. Чунки мана икки йилдирки томдан чакка ўтади, қишда хоналар етарли даражада исимайди, ёзда эса дам совуқ, дам иссиқ сув бўлмайди...»

Ўтган йили Киров районининг Проектная кўчасидаги 2/4, 2/5 ва Куйбишев районининг 2-Черданцев кўчасидаги 24-28-уйларда яшовчилар иситиш ва иссиқ сув таъминотида кўп узилишлар содир бўлганини ҳис этишди.

Адреслар ҳар хил, бироқ мавжуд ҳар иккала камчилик бир-биридан жуда кам фарқ қилади. Май ойидаёқ ана шу уйлар яқинида иситиш системасининг қувурлари ўтказила бошланди. Айрим жойларда хандақлар қазилди. Аммо шу тариқа иш охиригача етказилмади. Ҳозир эса қурилиш материаллари секин-аста йўқолиб, хандақлар кўмилиб юборилмоқда. Бундай фактлар ишга нисбатан қуруқ расмиятчилик ҳамда хўжасизликдан бошқа нарса эмас. Бу нуқсонлар пудрат ва хўжалик ташкилотлари томонидан ремонт ишларининг сифатсиз бажарилиши, ишлаб чиқариш интизомида яхлит тартибнинг йўқлиги натижасидир. Мана, масалан, Височовольт массивидаги 127-уй остидан ўтган иссиқлик трассасидан қайноқ буғ кўтарилади. «Ҳатто ҳозир, яъни иситиш тармоқлари ўчириб қўйилганига қарамай, буғ шахта орқали квартираларга ўтмоқда, — деб ёзишади Давидов, Бобоева ва бошқалар. — Қиш кезларида қувурларнинг яроқсизлиги сабабли иссиқликнинг бўлмаслиги тез-тез содир бўлиб туради. Шунинг учун айни кунда бу масалага алоҳида эътиборни қаратмоқ лозим».

Шубҳасиз, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича бажарилган ишларнинг асосий қисми турли хил шаҳар хўжалиги зиммасига тушади. Ўз вақтида уй-жой ремонтини тугаллаш, ертўлалар ва болохоналарни совуқ ўтмайдиган қилиб, маҳкамлаш, иситиш тармоқларини сифатли ювиш, тозалаш каби тадбирларни амалга ошириш билан қаҳратон қишни бехавотирлик билан қаршилаш мумкин. Бу ишга шаҳарликлар ҳам бош қўшишлари лозим. Афсуски, баъзи жойларда уй-жой фондларидан фойдаланиш қонун-қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари сезилмоқда: баъзилар ўз квартирасидаги камчиликлар тўғрисида тегишли ташкилотларни олдиндан огоҳлантирмайди. Айримлар ўзбошимчалик билан квартира планировкасини ўзгартирмоқда ва балконларга қўшимча батареялар ўрнатиб олмоқда. Бундай фактлар Ҳамза, Фрунзе, Октябрь, Сергели районларида аниқланди. Балконларига батареялар ўрнатиб, иссиқликни беҳуда ҳавога совураётган, таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш керакки, бундай кишилар қаторида масъул лавозимларни эгаллаб турган шахслар ҳам бор. Булар конструкторлик бюросининг катта инженери Борисенко, қурилиш банкининг катта иқтисодчиси Кухгин, ТошПИ доценти Горнов, Ю. Фучик кўчасидаги 2-уйда яшовчи мебель ойналари фабрикаси директори Алиев, шунингдек, «Ўзбекистон» кўн-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси таъминот бўлими бошлиғи Тошмуҳамедов (Сергели массиви, 1-квартал, 4-уй, 2-квартира), Марказий Универсам магазини катта сотувчиси Гайсина (Қўйлик—5 «Б», 18-уй, 4-квартира), Моргунов (Ленин проспекти, 40-уй, 24-квартира), мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг масъул ишчиси Тешабоев (Охунбобоев кўчаси, 5-уй, 7-квартира), «Тоҳир ва Зуҳра» магазини директори ўринбосари Сайфуллина (Охунбобоев кўчаси, 5-уй, 22-квартира), 159-қурилиш трести ишчиси (Марказ-14, 10-уй, 18-квартира) Чулковдир. Бу шахслар ўз қўшнилари ҳисобига қўшимча иссиқликни исроф қилмоқдалар. Қонунга хилоф равишда батарея ўрнатиб олганлар қаторида Ҳамза район уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трести бошлиғи Нуриллаев ва «Промстрой»га қарашли уй-жой коммунал конторасн мастери Аруновлар бор. Ана шу шахсларнинг қонун-қоидани бузганликлари оқибатида уйларни иссиқлик билан таъминлашда ўзига хос нуқсонлар содир бўлмоқда. Бу кўп сонли гражданларнинг ўринли шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Гарчанд, рўй берган ҳар бир нуқсон бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилган бўлса-да, район ижроия комитетларининг маъмурий комиссиялари бундай ҳолларда дадилроқ ҳаракат қилишлари, бундай ўзбошимчаларни олдиндан огоҳлантирмай туриб, иситиш системасини илгариги ҳолатига қайтариш ишларини ўз ҳисобидан бажаришга кўрсатма беришлари керак. Ҳолбуки, уй-жой фондини сақлашда истиқоматчилар ҳам жавобгардир. Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг қарорида ҳам худди шу ҳақда гап кетади. Бу қоидаларга касби-кори ва лавозимидан қатъий назар, ҳар бир тошкентлик амал қилиши шарт. Бу уйларда биз истиқомат қиламиз. Шунинг учун уларни қишки мавсумга тахт қилиб қўйиш учун ҳаммамиз жон куйдиришимиз керак.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
О. КОСТИКОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбирлари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ҳар тўрт кишидан бири ўқимоқда

ПНОМПЕНЬ. Ҳозирги вақтда Кампучия Халқ Республикаси ҳар тўрт гражданидан бири мактабда ёки биронта курсда ўқимоқда. Ўқувчилар сони мамлакат тарихидаги энг юқори кўрсаткичдан ошиб кетди ва 1,5 миллион кишидан кўпроқни ташкил этди. Бундай кўрсаткичлар, деди КХР министрлар Советининг Раиси Чан Си республика маориф ходимлари конференциясида сўзлаган нутқида. Кампучия революциясининг ифтихоридир.

Бу муваффақиятлар, деди у, полпотчилар маориф системасига етказган вайронгарчиликларнинг миқёси ва КХР ҳукумати мактаблар ишини тиклашга киришиб, дуч келаётган қийинчиликлар назарда тутиладиган бўлса, янада катта аҳамият касб этади. Пол пот тўдаси қириб ташлаган миллион-миллион кампучияликларнинг кўпчилигини ўқитувчилар, шунингдек саводхон ёшлар ташкил этганди.

Халқ Кампучиясини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш зарурати маориф ходимларидан замонавий илмий ва сиёсий билимларни эгаллаган ва социалистик тараққиёт йўлидаги ўзгартишларни онгли равишда амалга оширишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялаб етиштиришни тақозо этади. Кампучияда маориф системаси янги босқичга қадам қўймоқда. Ўқиш сифатини ошириш эндиликда асосий талаб бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади Чан Си.

Мактабларда ўқитиш ва билим бериш савиясини янги босқичга кўтариш учун педагогика билим юртлари ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари тармоқларини кенгайтириш зарурлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди.

СТАТИСТИКА ДАЛОЛАТ БЕРАДИ

ВЕНА. Австрия йўлларида автомобиль фалокати борган сари кўпаймоқда. Мамлакат марказий статистика маҳкамасининг эълон қилинган маълумотлари шундан далолат беради. Бу ерда шу йилнинг июнь ойидаги 5,5 мингтадан кўп йўл ҳодисаси юз берганлиги қайд этилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 16,1 процент кўпдир.

Автомобиль фалокатининг энг кўп юз бериши жиҳатидан Бургенланд ўлкаси биринчи ўринни эгаллайди. Қуйи Австрия ва Каринтия ундан кейинги ўринларда туради.

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

ҚОҲИРА. Форс кўрфазидаги кичик давлат —Бирлашган араб амирликларида нарх-наво 1980 йилдан 1982 йилгача 13 процент, 70-йилларнинг ўрталарига нисбатан эса қарийб 83 процент ошган. Бирлашган араб амирликлари марказий банки ҳамда планлаштириш министрлигининг маълумотларига кўра, уй-жой учун тўланадиган умумий нарх айниқса кескин — бир ярим баравар қимматлашган.

ХАЛҚҚА ҚАРШИ ДЕКРЕТ

БУЭНОС-АЙРЕС. Пиночет Вашингтоннинг бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашини кўзлаб, чет эл хусусий капиталига, асосан Америка хусусий капиталига миллий руда конларини, хусусан мис конларини разведка қилиш ва улардан фойдаланиш барча ҳуқуқларини берувчи декрет чиқарди. Бундан буён чет эл компаниясининг эгаси Чили ер ости бойликларидан ҳеч қандай назоратсиз фойдаланиши, уни ўз шахсий мулкидек сотиши, омонатга топшириши, мерос қилиб қолдириши мумкин.

Фашист режимининг янги декрети демократик кучларни ғоят ғазаблантирди. Таниқли юрист, собиқ сенатор Радомиро Томич Пиночетнинг қарори мамлакатнинг миллий суверенитетига кўз олайтириш бўлиб, Чилини ўз табиий ресурсларига эгалик қилиш имкониятидан маҳрум этади, деди. Мазкур декретга мувофиқ АҚШ назорат қилиб турган кўп миллатли компаниялар миснинг халқаро бозордаги нархига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, мўмай даромад олиш имкониятига эга бўлади. Айни вақтда жаҳонда қазиб олинаётган мис умумий миқдорининг 13 процентини етказиб бераётган мамлакат валюта тушумларининг асосий манбаидан маҳрум бўлади.

13 МИНГ ЙИЛ МУҚАДДАМ ЯРАТИЛГАН

ТОКИО. Япония археологлари группаси Хондзио қишлоғи (Онта префектураси) районидаги ғорлардан бирида қояларга ишланган расмларни топдилар. Олимларнинг фикрича, булар бундан 13 минг йил муқаддам яратилган бўлиб, уларда қора бўёқда паррандалар ва ҳайвонларни, шу жумладан фил ва шохдор кийикларни ов қилиш пайти тасвирланган.

Қисқа сатрларда

● **Одатдан ташқари рекорд ҳақида.** Венгриялик статистика ходимлари одатдан ташқари рекорд ҳақида хабар бердилар. Июль ойининг сўнгги кунларидан бирида будапештликлар ва пойтахт меҳмонлари 1,3 миллион кубометр ичимлик сувни истеъмол қилишибди. Олиб борилаётган ҳисоб-китобларга қараганда бу сўнгги юз йил давомида энг юқори кўрсаткичдир.

Мутахассислар ушбу рекорднинг ўрнатилишига июль ойида симоб устуни 35 даражадан пастга камдан-кам тушганлиги сабаб деб кўрсатмоқдалар. Бу вазиятдан будапештлик қурувчилар ҳам фойдаланиб қолдилар. Улар Дунай дарёсининг сув сатхи камайган ерларида соҳил бўйларини мустаҳкамлашга киришдилар.

● **Авиаторлар ёрдам беришди.** Австриялик археологларга тош асрига тааллуқли энг қадимги аҳоли истиқомат жойларидан бирини топишда авиаторлар ёрдам беришди. Парвоз қилиб юрган учувчилар Аспан-андер-Цайя шаҳри чеккасидаги участкалардан бирининг ранги билан бошқа участкалардан кескин фарқ қилаётганлигига эътибор бердилар. Уларнинг ана шу маълумотларига қизиқиб қолган археологлар ана шу ерда қазиш ишларини бошлаб юбордилар. Натижада бой дахмалар, меҳнат ва рўзғор буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари, турли қуроллар топилди. Яхши сақланган уй вайронаси айниқса катта қимматга эга. Олимларнинг фикрига қараганда бундан етти минг йил муқаддам шу уйда 25—30 кишидан иборат оила истиқомат қилган.

● **Жиноят устида ушландилар.** Мексика соҳил бўйи қоровуллиги Лотин Америкасида иш кўраётган Америка Қўшма Штатларининг афъюн сотувчиларига қарши жиддий зарба бердилар. Патруль кемаси Мексика кўрфазида, Юкатан ярим ороли соҳиллари яқинида қайиқ ва деярлик етти миллион доллар баҳоланадиган 200 килограмм кокаинни қўлга туширдилар. Америкалик Д. Харрис ва Э. Смит қамоққа олинган. Уларнинг ҳар иккиси жиноятчи ташкилотларнинг аъзолари экан.

● **Юз миллионинчи зиёратчи.** Франция пойтахтининг чинакам рамзи бўлиб қолган ажойиб меъморчилик ёдгорлиги — Эйфель минорасига юз миллионинчи зиёратчи кўтарилди. 1889 йилнинг май ойида зиёратчилар учун очилган бу минора туристларни кўплаб жалб этмоқда. Ҳар йили бу ерга 3,6 миллион киши келиб кетади.

ОБЪЕКТИВДА — НИКАРАГУА
СУРАТДА: Никарагуа ёшлари.
ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ ТАРИХИДА БАЪЗИ СИЙМОЛАР

Али БАНОКАТИЙ (XIII АСР)

Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Банокатий ҳуснихат соҳиби — хаттотлардан саналади. Қадимда Тошкентни Бинкат, Банокат деб ҳам аташган.

Банокатий Бағдодда вафот этганлигидан у киши бу томонга келиб таълим олган кўринади. Банокатий асарлари сақланиб қолмаган, лекин у кўчирган асарлар бизгача етиб келган. У араб тили, адабиёти, фалсафасини яхши билган фозил кишилардан бўлган. Араб тилида ёзилган ва у кўчирган асар Ибн Сино (980—1037) ва Насируддин Тусий (вафоти 1273)лар қаламига мансуб.

Банокатий иқтидорли олим ва хаттот эди. У Насируддин Тусийнинг Ибн Сино асарига ёзган шарҳи «Ҳалл ал-мушкилот ал-ишорот» асарини кўчиран. Шу кўчирилган нусха Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Асар зулҳижжа ойининг ўнинчисида 669 йили кўчирилган (21 июнь 1271), ҳажми 270 варақ. Бу асар муаллифининг ҳаёт вақтида кўчирилган. Китоб қўлдан-қўлга кўп бор ўтган кўринади, унинг ҳошиясида ёзилган изоҳлар, сўзлар шундан дарак беради.

Бу китоб соҳибларидан бири асарга 12 муҳаррам 772 йили (1370, 7 август) ва бошқаси эса 907 йил зулҳижжа (1502, июнь) деб ёзиб қўйибди. Кейинги ёзув эгасига асар ҳаж сафарида қўлга тушган.

Бу китоб ўлкама-ўлка кезиб, кўп жойларда бўлганлиги ва шу орадан ўтган етти юз йил ичида кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортиб келганлиги маълум.

Убайдуллоҳ КАҲҲОЛ (XVI АСР)

Убайдуллоҳ Каҳҳол XVI асрда яшаган тиб олимидир. Каҳҳолнинг ота-бобоси тиб илмида шуҳрат қозонган ва тиббий асарлар ёзган. Убайдуллоҳнинг отаси Муҳаммад Юсуф ҳам зўр эътиборли табиб бўлиб, «Рисола фи-т-таҳқиқ ва-т-тафсирот ан-набз» («Томир орқали касалликни аниқлаш ҳақида рисола») номли тиббий асар ёзган.

Убайдуллоҳ Каҳҳол Тошкент хони Дарвишхоннинг шахсий табиби бўлган. Каҳҳол Ибн Сино, Илоқий, Абу Бакир Розий, Нажибуддин Самарқандий ва Журжоний асарларидан фойдаланган ҳолда, ўзининг «Шифо ул-алил» асарини ёзади. Китоб 1598 йили тугаллланган. (Китобнинг форс тилидаги нусхаси Шарқшунослик институтида сақланади).

Асарнинг сўзбошисидан маълум бўлишича, автор бу асарни Бароқхоннинг ўртанча ўғли Муҳаммад Дарвишхоннинг буйруғига биноан форс ва араб тилларидаги асарлар асосида ёзган. Асар сўзбоши ва бир неча бўлимдан иборат, ҳар бир бўлим, ўз навбатида, яна бир неча бобга бўлинади. Асарнинг сўзбошиси медицинанинг аҳамияти, унинг фойдаси ва врачнинг вазифаларига бағишланган.

«Шифо ул-алил» медицина соҳасида узоқ вақтгача асосий қўлланмалардан бири ҳисобланиб келган, бу асар Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Асар ёзилгандан 97 йил ўтгандан кейин Эронда кўчирилган (бу нусха Бухоро қозиси, илм-маърифатни қадрловчи Шарифжон маҳдум Садр Зиё томонидан ўз вақтида жуда катта маблағ — ўн минг тангага сотиб олинган, бу, асарнинг ниҳоятда қимматли эканлигидан дарак беради. Шарқшунослик институти фондида сақланаётган бу асар 1072 ҳижрий, 1662 милодий йили кўчирилган, ҳажми 342 варақ бўлиб, у Муслим ибн Муҳаммад Абивардий томонидан кўчирилган.

Муаллиф келтиришича, Ҳофиз Кўҳакийни даволаган Убайдуллоҳ Каҳҳолнинг йирик асарларидан бири араб тилида ёзилган медицинага оид асари «ал-Умдат ал-куҳлия фи-л-амрод ал-басария» — («Кўз касаллигига оид асосий китоб»)дир.

Каҳҳол шеъриятдан ҳам хабардор бўлган.

Боқий жарроҳ ТОШКАНДИЙ (XVI АСР)

Исм-тахаллусидан маълум бўлишича, таржимаи ҳол соҳиби олим, табиб бўлган, шу билан бирга у шоир, музикашунос ва хаттот ҳам бўлган. Шарқ муаллифларидан Хатиб Табризий ўзининг «Мушкот ал-масобиҳ» («Чироғдон») асарида айтилишича, у киши ўз асарини Тошкентда, Мавлоно Боқий уйида ёзиб тугатган. Бу асарнинг мавжуд 3017 рақамли қўлёзмаси муаллиф нусхасидан 1124/1712 йили Муҳаммад ибн Иброҳим қўли билан кўчирилган.

Шу билан бирга, бу киши хаттот сифатида ҳам анчагина китоблар кўчирган, баъзи асарларга шарҳлар ёзган. У Балхга бориб у ердан Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрига етиб келган ва ўша ерда вафот этган. Боқий жарроҳ Тошкандий котиблик қилиб, Далатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасини ҳам кўчирган. Қўлёзмада бу нусха 988/1581 йили кўчирилган, деб ёзилган.

Манбалар хабар беришича, Боқий Тошкандий бир қанча асарларга шарҳлар ёзган. Чунончи, у «Юсуф ва Зулайҳо» достонига шарҳ ёзган, олимлар ўртасида кўпдан шарҳланиб келадиган «Одоб ал-мунозара» асар шарҳига араб тилида ҳошия ёзган.

Маълумки, «Одоб ал-мунозара»нинг муаллифи Абдураҳмон ибн Аҳмад ал-Ийжий (вафоти 756/1345) бўлиб, унга ўзидан кейин кўп олимлар шарҳ боғлаганлар. Бу асарга Мирсайид Шариф Журжоний (вафоти 1414) дан тортиб, кейинги даврларда ўнлаб олимлар шарҳ боғлаганлар. Ана шу шарҳларнинг бирига бу киши ҳам ҳошия ёзган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмада Боқийнинг шеърлари ҳам ёзилган: Бу қўлёзма эса 1797—1809 йиллар орасида кўчирилган.

Қулимен ишқиннинг ким
тенгламайдур —
Муҳаббат шевасинда шаҳни
қулдин.
Бағоят ҳийлагардур зол гардун,
Агар эрсен ҳазар қилғил бу
йўлдин.

Қ. МУНИРОВ,
А. ИРИСОВ,
А. НОСИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг илмий ходимлари.

ЮМШОҚ СУПУРГИ

(ЮМОР)

Бирдан телефон жиринглади. Ҳалим Йўрғаев чилдек эшилиб, трубкани олди:

— Лаббай, мен эшитяпман.

— Кимсиз? — бошлиқнинг вазмин овози эшитилди.

— Менман, Қайсар Қиличевич, Ҳалимжон Йўрғаевман, сизни эшитиб турибман. Нима хизматингиз бор, тайёрман.

— Ботир Жўраев қани, ишга келдими?

— Йўқ, Қайсар Қиличевич, Ботир Жўраев жуда ботир бўлиб кетган, ҳар куни ишга шунақа кеч келади... Қулоғини бир чўзиб қўйинг.

Бошлиқнинг энсаси қотиб, оғир нафас олаётгани трубкадан сезилиб турарди:

— Менга қаранг, — деди бошлиқ зарда билан.

— Сизга қараб турибман, Қайсар Қиличевич, икки кўзим сизда...

— Намунча бачканасиз, Ҳалим Йўрғаев! — деб бақириб юборди бошлиқ. — Ўзингиз ҳар куни ишга кеч қоласиз, бугун эрта ишга келиб, энг интизомли Ботир Жўраевични нега ёмонляпсиз?

— Ёмонлаётганим йўқ, хўжайин, Ботиржон акамлар ҳозир келиб қолсалар керак, ҳали иш бошланишига беш минут бор... Ёки уйларига бориб чақириб келайми?.. А, лаббай?.. Юмшоқ супурги... деяпсизми? Ҳозир фаррош холамлардан топиб, юмшоқ супургини олиб кираман... Ҳозир, хўжайин, ҳозир.

Холмаҳаммат
МУЙДИНОВ.



Дам олиш соатида

«ТОШКЕНТ» КРИПТОГРАММАСИ

Азиз оқшомхон! Ушбу криптограмма саволлари Тошкент шаҳримизга оид бўлиб, уларга тўғри жавоб топиш билан бир қаторда, кундалик шиорлардан бирини ўқийсиз.

I. 11 6 11 4 9 5 2 12 — Тошкентдаги тарихий ёдгорлик.

II. 3 4 13 2 15 2 3 — 1875—1934 йилларда яшаган тошкентлик дуторчи-созанда.

III. 9 4 15 19 4 11 — Шаҳар дарвозаларидан бири.

IV. 4 3 9 21 10 20 — 1901 йилда янги усул мактаби очган тошкентлик муаллим.

V. 8 21 1 10 7— Тошкент билан бirodарлашган шаҳар.

VI. 16 17 14 15 — Тошкентнинг рамзий белгиси.

VII. 15 2 18 4 11 2 — Тошкент билан биродарлашган шаҳарлардан яна бири.

VIII. 22 4 9 10 9 2 3 — Тошкентлик ўзбек совет актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

Тузувчи:
Ф. ҒАФУРОВ.

20 АВГУСТДАГИ «ТОШКЕНТЛИКЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Ғуломов. 2. Туробов. 3. Калонов. 4. Ваҳобов. 5. Акбаров. 6. Икромов. 7. Асқаров. 8. Усмонов. 9. Жўраева. 10. Мўминов. 11. Комилов. 12. Қориева. 13. Ҳасанов. 14. Раҳимов. 15. Шарафиддинов. 16. Бобохонов. 17. Қосимжонов. 18. Баҳодиров. 19. Фатхуллин. 20. Раҳмат Файзий. 21. Мирмуҳсин.

«Шанба оқшоми» кроссвордларга А. Аюбов, С. Акбаров, А. Орипов, А. Аҳмедов, М. Парпиева, Ж. Нурматов, С. Иноҳўжаева, Ш. Тўрақулов, Н. Обидов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

Хадрада «Болалар дунёси»

Навоий ва Фурқат кўчалари кесишган чорраҳанинг биқинида, ГУМ билан ёнма-ён бир чизиқда шаҳарнинг энг катта «Болалар дунёси» магазинини бунёд этиш лойиҳалаштирилди. Унинг лойиҳасини Украина ССРдаги «КиевЗНИИЭП» институти коллективи билан тошкентлик архитекторлар ҳамкорликда яратдилар. «Болалар дунёси» Фурқат ва Навоий кўчаларининг шимоли-ғарб томонида — ГУМ ва Марказий дорихоналар Бош бошқармаси билан бир чизиқда бунёд этилади.

Янги «Болалар дунёси» магазини тўрт қаватли бўлиб, унинг ташқи деворлари замонавий усулдаги шиша бетон, турли хил панеллар, силлиқланган табиий тошлар, сопол материаллари ва панжаралар билан безатилади. Унинг ҳар бир қаватидаги кенг савдо заллари бир-бири билан эскалаторлар ва қулай зиналар билан боғланади. Мазкур комплексда болалар кафеси жойлашади ва харидорлар учун бўфетлар бўлади.

Меъморлар савдо ходимлари тўғрисида ҳам алоҳида қайғурганлар. Уларнинг дам олишлари, тамадди қилишлари учун ҳам махсус жойлар ажратилган. Кенг, ёруғ ошхона, қишки боғ уларнинг хизматида бўлади. «Болалар дунёси»нинг савдо майдони 12,5 минг квадрат метрни ташкил этади. Унинг омбор хизмати бинонинг ертўласида жойлашади. Улар махсус кўтаргичларга ва юк лифтларига эга бўладилар.

«Болалар дунёси»га кириш йўли бинонинг Навоий ва Фурқат кўчалари томонидан ташкил этилади. Улар аҳамияти жиҳатидан иккиси ҳам бош кириш йўли ҳисобланади. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида енгил автомобиль тўхташ жойи ва дам олиш зонаси ҳам қуриш кўзда тутилган. Бинонинг атрофлари ободонлаштирилади ва кўкаламзорлаштирилади. Навоий ва Фурқат кўчалари томонидан кириш йўллари атрофига фаввоalar ва ҳовузчалар ўрнатиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа шаҳарсозлик Совети йиғилишида маъқулланди. Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқармаси ва Ўзбекистон ССР савдо министрлиги бу ажойиб «Болалар дунёси» магазини қурилишини 1984 йилда бунёд этишга киришишни мўлжалламоқда.

З. ХУЖАЕВА.

БУГУН — СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

Республикамиз киносанъаткорлари ўз анъанавий байрамлари — совет киноси кунини янги киноасарлар, ижодий кўтаринкилик билан кутиб олишмоқда.

Тошкент мана бир неча йилдирки, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар кинoарбобларн учрашадиган, бир-бирлари билан ижодий мулоқот олиб борадиган Халқаро киноанжуманлар марказига ҳам айланиб қолди.

СУРАТДА: СССР халқ артисти Шукур Бурхонов ва актриса Дилором Қамбарова (чапдан-иккинчи) Тошкент кинофестивалига ташриф буюрган бангладешлик таниқли киноюлдузлар Рози Самад ва Бабитта билан суҳбатлашмоқдалар.

С. Маҳкамов фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

• АЖОЙИБ НАСИҲАТЛАР

Ҳикматнома

● Фарзанд — оила қувончи, ҳаётнинг лаззати фарзанд билан, фарзанд борки, одамнинг дили ёруғ, хонадони чароғон.

● Муҳиббий айтади:
Бола борки, ёруғ ҳамиша шомнинг,
Бола борки, элда шўҳдир хиромнинг.
Бола борки, ҳаёт лаззатли, тотли,
Бола борки, ўчмас эл ичра номинг.

● Бир калтабин киши: «Тўй қилсам, фалон машшоқларни олиб келиб, бир ном чиқарайки, тўйдан сўнг гадой бўлсам ҳам майли» дерди. Унинг айтганича бўлди. Тўйга келганлар унинг аҳдидан хабардор бўлганлари учун, ҳамма нарсасини шилиб кетишди. Бечора тўй соҳиби эрталаб қўшнисидан битта чойнак ва иккита пиёла сўраб олиб чой ичди.

● Муҳиббий айтади:
Оқ қиров беҳисоб мўйга йиғилди,
Фикримнинг ҳаммаси ўйга йиғилди.
Қанча мол топдим-у, ҳузур топмадим,
Қанча топган бўлсам, тўйга йиғилди.

● Ҳақиқий асар кишидан ғамни қувади, одамни тўғри йўлга етаклайди, йиллар ўтса ҳам қадру-қимматини йўқотмайди.

● Муҳиббий айтади:
Асар халқ ичига таралса асар,
Мукаррам бойлик деб қаралса асар,
Асрлар ўтса ҳам башар дилидан,
Жой олиб, йўқолмай туролса асар.

АҚЛ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

● Ақл инсон учун энг олий неъматлардан биридир. Ақл билан нарсаларнинг сир-асрорлари ўрганилади, илм ва маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади.

● Муҳиббий айтади:
Қадам қўйиб, қадам юзина,
Кетмоқдаман зинама-зина.
Тажрибаю, ақл нуридан,
Тўпланмоқда дилда хазина.

● Бир ҳаким айтади: «Ақл-юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади!» Бошқа ҳаким айтади: «Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради». Яна бир ҳаким айтади: «Ақл — жоннинг ҳаёти, жон эса жасаднинг ҳаёти!» — Бир ҳаким айтади: «Кишининг нафси ақлидан устун бўлса «ундай одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ!».

● Муҳиббий айтади:
Тажрибадан ақл ўсади,
Ақл ғафлат томрин кесади.
Нафс деган ярамас отлиқ
Баъзан ақл йўлин тўсади.

М. ҲАСАНОВ
тайёрлаган.

• *Бу — қизиқ*

Скрипкага булбул жўр бўлди

Овози ўткир бир булбул Днепр бўйидаги Киев паркида ўтган «Тунги серенадалар» концертларининг кутилмаган қатнашчиси бўлди. Дарахт шохлари орасида қулай ўрнашиб олган булбул Паганини скрипка, виолончель ва гитара учун ёзган триони ижро этган музикачилар билан маҳоратда мусобақалашишга қарор қилгандек эди.

Аммо шуниси қизиқки, ҳамма асбоблар бирга чалинаётганда булбул жим турарди. Виолончель ва гитара чалинганида ҳам миқ этмасди. Лекин ёлғиз скрипка чалиниши биланоқ қанотли хонанда эстраданинг ёнгинасида ўсиб турган заранг дарахтнинг қалин шохлари орасидан жўр бўлиб қоларди. У дам чах-чахлар, дам чуриллаб авжига чиқарди. Шундай қилиб, туғма қанотли музикачи ижрочи ва тингловчиларга ҳалақит бериш у ёқда турсин, ҳаммани мафтун қилди.

Киев булбуллари сайраш учун шундай вазият бўлишини кутиб юрмайди, албатта. Улар 2,5 миллион аҳолиси бўлган шаҳарнинг қоқ марказида ҳам ўз маконларида юргандек ҳис қилишади. Ям-яшил парк ва хиёбонларни ёқтирган паррандалар ҳеч монеъсиз, бирон асбоб жўрисиз кўпдан-кўп концерт бериб туради.

Л. КОРОБЧАК,
ТАСС мухбири.

Ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон. Шундай гулгун замонда янгича анъаналар ҳаётимизга файз бағишлаяпти. Куни-кеча А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида Собир Раҳимов район партия комитети, район ижроия комитети, маданият бўлими ҳамда парк маъмурияти ташаббуси билан «Янгича тўйлар, янгича ўйлар» мавзуида тантана бўлиб ўтди.

СУРАТДА: ёш келин-куёвларнинг ЗАГСдан ўтиш маросими.

Ҳ. Шодиев фотоси.

ЖАЛОЛХОННИНГ АРИМАГАН ДАРДИ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

— Иним Маҳмуд, қўй бу ҳазилингни, ахир сен анойи эмассанки, шунча катта пулни «ма» деб тутқизиб қўйсанг. Ростини айтавер, қанча бериш керак экан, ҳа, яна уч-тўрттаси имтиҳон оларкан, учовига ҳам бериш керакми?

— Йўқ, фақат биттасига бердим мен. Бошқалари олмайди дейишди, баҳони болаларнинг билимига қараб қўявераркан улар. Ўша биттасининг нафси бузуқ экан, уч минг бўлмаса қўймайман деб туриб олипти. Ахир, бобой, бола олий маълумотли деган гувоҳномани олмаса, дурустроқ амалга ёки мўмай пул тушадиган ишга жойланиши қийин ҳозирги замонда.

Бувам буёғига ҳеч нима деёлмай, нафаси ичига тушиб, жимиб қолди. У токчадаги идишлардан бирига тикилганича ўйга ботган эди. Мен ундан кўзимни узмай ўтирибман. Бувамнинг оппоқ соқоллари титраётгандан яна оғир азият чекаётганини кўриб бағрим эзилди. Ўрнимдан ирғиб туриб, Маҳмуд аканинг ёқасидан тутганимни, «кетинг бу ердан, кетинг!» деганимни ўзим ҳам сезмай қолибман ўшанда...

Кечки овқатдан кейин бувам қаергадир яшириб қўйган чарм халтасини олиб келдида уч бурчак конверт ичидан юпқа, ялтироқ қоғозга ёзилган бир хатни чиқарди. Қаламда ёзилган хатни қалтироқ қўлида ушлаб тикилиб, турди, сўнг менга узатди. «Овозингни чиқариб ўқи!» Бу дадамнинг 1943 йил биринчи июлда фронтдан ёзган охирги мактуби экан. Хатни қўлимга олиб ғалати бўлиб кетдим. Дадамнинг қўллари билан битилган сўзлар менга жуда чиройли, жуда нақшдор бўлиб кўринганини эсимда. Хатни ўқияпман-у, лекин дадам билан гаплашаётгандек сезаман ўзимни.

«Азиз ва ҳурматли ота! Севиклим Гулчеҳрахон! Ўзимга ҳам, сизга ҳам қанчалик оғир бўлмасин очиғини айтиб қўяқолай: эҳтимол бу менинг охирги хатимдир. Қўлларим қалтираб кетяпти, кўзларимдан ёш тирқираб чиқяпти... Икки-уч соатдан сўнг, қош қорайиши билан жуда оғир, ниҳоятда хавфли топшириқни бажаришга борамиз. Бу гал омон қайтишимиз даргумон. Мен қўрқаётганим учун шундай ёзаётганим йўқ, мен юраги пўклардан эмасман, жигаргўшаларим, фақат сизларни ўйлаб, жигарбандларим, кўзичоқларимнинг ҳоли нима кечаркан, деб дилабгор бўляпман! Бу ерда Ватан йўлида, халқимизнинг ҳурлиги, бахт-саодати йўлида бир неча бор қирғин жангларига кириб чиқаётган ёки кирган-у, қайтиб чиқолмаган йигитлар оз эмас. Уруш беомон. Бугун борсан, эртага йўқ. Мен фақат шуни истардимки, меним жондан азиз отам, рафиқам ва меҳригиё фарзандларим — Жалолхон, Ботиржон, Ойпошшахон — дадаси уларнинг порлоқ келажаги учун жонбозлик билан, қаҳрамонона жанг қилганини билсинлар ва фахрланиб юрсинлар.

Ота! Гулчеҳра! Тушунаман, сизга оғир. Лекин, аминманки, кўзичоқларимнинг кўнглини ўкситмайсиз, етимлигини билдирмай, ҳеч нимадан камситмайсиз. Ҳалол меҳнатда тоблаб, виждони пок, қалби жаҳон, ҳақиқий инсон қилиб камолотга етказасиз. Гулчеҳра! Сезиб турибман, ҳаммадан ҳам сенга оғир бўлади. Ўтинаман сендан — бардош бер, йиғлама, қаддингни букма, болалар ҳаққи, букма! Қайғу-аламларни тезроқ улоқтириб ташла. Фақат юрагингнинг бир чеккасида жиндек жой қолдирсанг бўлади менга! Қолган барини фарзандларимизга бахшида эт. Сенда, эндиликда шулардан бўлак нима қолди? Борлигингни шуларга бермай, кимга берасан? Сен энди уларнинг ҳам отаси, ҳам онаси. Кўзичоқларни бахтиёр этишдан ҳам улуғ нарса йўқ, сен учун! Қани энди шу дақиқа қошингизда бўлсам-у, охирги марта бағримга босиб, дийдорингизга тўйиб олсам, сираям армонда кетмасдим!..

Менинг сиздан биттаю-битта илтимосим: уччала боламни ҳам албатта яхшилаб ўқитинг, жамиятнинг билимдон қурувчиси бўлиб етишсин, фан масканлари қучоғида камол топсин. Аминманки, ҳукуматимиз ҳам бизнинг фарзандларимизни ардоқлайди, барча билим ўчоқлари эшигини улар учун очиб қўяди...»

— Тўхта! — деди тўсатдан бувам қандайдир ўхшовсиз овозда. — Ана шу ерини қайтариб ўқи! Қайтадан! Дона-дона қилиб!

Мен қаери эканини билмай ҳайрон бўлиб турдим, сўнг кейинги жумлаларни ҳижжалаб ўқидим. Бувам ўнг қўлини кўтариб «бас!» деди ва бошини қуйи солиб жимиб қолди. Икки-уч дақиқа шу зайлда ўтди. Менинг ажабланиб тикилиб турганимни кўриб ўксиниб оғир нафас олдида, бошимни силаб бўғиқ овозда деди:

—Даданг раҳматликнинг ана шу васиятини бажо келтирмаяпман-да, болам. — Ичидан бир талай тутун чиқариб ташлаётгандай «уф!» деди ва қўшимча қилди: — Қурбим етмаяпти, Жалолхон, нотавонман.

Бувам шўрликнинг дилхаста бўлаётганини кўриб, қаёқдан чиқди бу ўқиш можароси, дедим ичимда. Бошда институтга бормайман, сизнинг ёнингизда бўламан, деб туриб олсам бўларкан. Ҳозир колхозда нима кўп иш кўп. Ахир азиз бувамнинг бағрини қонга тўлдириб юбордим-да!

Жалолхон ўтмиш саргузаштларни худди ҳозир содир бўлаётгандай, ўзини ўша жўшқин, лекин ғуссали ёшлик гирдобида юргандек ҳаяжонланиб ҳикоя қиларди. Шу ерга келганида у бирдан тўхтаб бир нуқтага тикилиб қолди. Хаёл олиб қочди. Фақат хотини «чой совуб қолди, Жалолхон ака», деганида, худди уйқудан чўчиб уйғонгандек, сесканиб тушди, пиёлаларга чой қуйиб «сизни жуда зериктириб қўйдим шекилли Тоҳир ака, узр» деди. Тоҳир бир ўксиниб олди-да, сўз қотди:

— Сираям зерикканим йўқ, Жалолхон, аксинча, жуда қизиқиб тинглаб ўтирибман. Гапингиздан маълум бўлдики, бу ярамас одат ўша вақтда бошланган, аслида урушнинг бир қусури экан-да. Ҳаромхўрлик нақадар юқумли мараз экани мана энди равшан бўлди менга. Фарзандларимизни ўқитиб-тарбиялайдиганлар орасидан ҳам шу йўлга кирганлар чиққан экан, бу келажак авлодлар тақдири учун хавфли-ку, Жалолхон?

— Яна бир қабиҳ томони шуки, айрим виждонсизларнинг бу машъум иши, — деди Жалолхон, — ҳалол меҳнат қилаётган минглаб ҳурматли ўқитувчиларимизга ҳам, олий мактабнинг ўзига ҳам иснод келтиряпти. Ёшларга ёмон таъсир этиши мумкин, албатта. Пора бераётганлар ҳам жиноятга шерик бўляпти... — Жалолхон, хаёлига яна бир фикр келди шекилли, бир зум сукут сақлади. — Шу нопок йўл билан институтга кириб олганлар кўпинча «чала мулла» бўлади, биринчи курсдан нарига ўтолмай, «хайр-маъзурни насия» қилишади. Мен кейинги йили имтиҳонлардан ўтиб, институтга кирганда бояги «олғир» бухгалтернинг ўғли худди шундай аҳволга учради...

Шундан уч-тўрт кун илгари ўша «пул бўлса чангалда шўрва», «пулга имонни ҳам сотиб оламан» деб гердайган бухгалтер Маҳмуд «олғир»нинг ўғли Эргаш кириб келди. Эндиликда таниш-билишуни Эргаш Маҳмудович, деб муомала қилишар экан. Ҳамма фандан «5» олиб институтга киргандан сўнг бир йил ўтар-ўтмай Эргаш бирдан гумдон бўлиб кетди. Унинг тақдири нима бўлганини Жалолхон билмас эди. Бир қишлоқда бирга копток ўйнаб-ўсган, уруш кунлари ва ундан сўнги қаҳатчилик йилларида ёшлик — бебошлик қувончидан маҳрум бўлиб, оғир, ғурбатли дамларни бирга ўтказган синфдошини Жалолхон қувониб, қулоч очиб кутиб олди, тўрга ўтқазди, ҳол-аҳвол сўради, меҳрибонлик изҳор этди.

Эргаш ўқишни давом эттиролмай кетиб қолганини, колхозда тафтиш бўлиб, дадаси қамалганини Жалолхон ошқавоқдан эшитган, аммо тафсилотидан бехабар эди. Эргашнинг ўзи айтиб берди...

...Кингир ишнинг қийиғи чиқиб, биринчи курсдаёқ сир очилиб қолди, дарсларда сўроқларга лом деёлмай изза бўлаверди, жорий имтиҳонларда қоқилаверди, семинарлар, сессияларда безрайиб ўтираверди. Ўртоқлари, курсдошлар ёрдам беришга уринишди. Тагида бўлмагач, ҳеч нима чиқариб бўлмас экан. Мактабдаги бепарволиги, ўйинқароқлиги ва юзаки баҳолар келажаги учун тўғаноқ бўлаётгани билиниб қолди...

Нафс балосига берилиб Эргашни кириш имтиҳонидан «омонэсон» ўтказиб юборганлар ҳам ёрдам қилишга урингандай бўлишди, бу ҳам кор қилмади. «Ўғлимни олий билим дипломига эга қилмасам отимни бошқа қўяман», деб жўралари олдида қасам ичган Маҳмуд «олғир» яна роса елиб-югурди, жамлаган пулларини сарф қилиб кўрди. Эргашнинг иқрорига қараганда бу пуллар ўқитувчининг қўлига эмас, олий мактабга сираям алоқаси йўқ фирибгарнинг чўнтагига тушиб кетаркан...

Институт яқинидаги чакалакзорда Эргаш отаси билан боши қотиб юрганида башанг кийинган олифта йигит яқинлашиб гап қотипти. Қайси факультетда ўқиётганини сўраб-суриштирипти. Сўнг «Толеинг менинг қўлимда, ўқитувчилар ўзимнинг жўраларим, фақат кармонинг бақувват бўлса бас» депти. Маҳмуд «бўпти иним, мабодо камлик қилса яна...» деб улгурмасдан, олифта дўқ урипти: «Насия кетмайди, қани борини чиқарчи, мўмайроқ опкеган бўлсанг, ҳаммасини бопта қиламан...».

Отаси хотинининг дуррасига ўраб қўйган червонларни қўлтиғидан чиқариб санаётганида икки киши бостириб келиб, тутибди. Булар органнинг ходимлари экан. Идорасига олиб бориб роса сўроқ қилишипти. Ҳалиги олифтани кўпдан буён қўлга туширолмай юришган экан. Фирибгар имтиҳон вақтларида шаҳарма-шаҳар дайдиб юрар, соддалар, анқовларни алдаб пулларини олиб, жуфтакни ураркан. Аввалига у айбларига иқрор бўлмай тонипти, терговчи органдаги ҳужжатларни қаторлаштириб қўйгач, тили калимага келмай қолипти.

— Отамни ҳам жуда қаттиқ тергов қилишди ўшанда, — деди Эргаш, бунча пулни қаёқдан олдингиз деб... Очиғини айтсам, Жалолхон, ўша дақиқаларда отамга ҳам ачинар, ҳам ғазабланардим. Ўзи чаласавод, мени деб жонини жабборга бериб кўп азият чекди, бало-қазоларга дуч келди. Бироқ... Дадамнинг ўша ишлари менга ёқмас, қалбимда унга қарши исён дам ёниб, дам ўчар, аммо олий мактаб дипломига эга бўлиш иштиёқида кўп нарсаларга эътибор бермаган эканман, тергов вақтидаги гаплар кўзимни мошдай очиб қўйди, қалбаки ишларнинг чуви чиқиб, отам уёқда турсин, мен ҳам шарманда бўлдим...

— Бир зум жимиб турди Эргаш, сўнг давом этди. — Қишлоққа бориб, одамлар олдида қандай бош кўтариб юраман, дедим-да, ҳеч кимга ҳеч нима демай бир курсдошим билан Қозоғистонга жўнадим, механизаторлар курсида ўқиб комбайн миндим... Ўшаёқда уйжойлик, бола-чақалик бўлдим.. Тақдирдан нолийдиган жойим қолгани йўқ... Ўғил-қизларим қурби етган жойларда билим олиб, ишлаяпти...

Тўлқин РУСТАМОВ.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

3 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

27 АВГУСТ 1983 й.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

ДУШАНБА — 29 АВГУСТ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 СССР Ички ишлар министрлигининг намунали кўргазмали оркестри чалади. 10.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 11.10 Болалар учун фильм. «Зангори шлем». 12.20 «Ока дарёсидаги Павлово». Телевизион хужжатли фильм. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар 15.15 «80-йиллар коммунистлари». Телевизион хужжатли фильмлар: «Хосилни йиғиш пайти». «Куз келганда». (Тошкент).

16.10 Мультфильмлар: «Қулоқсиз мушукча». «Қуён нега яширинади». 16.30 «Ёшлар адреслари». «ЭТЭК»да «Комсомольская правда» газетаси кунлари. 16.50 «А. Экимян қўшиқлари». 17.20 «Чарм тўп» клубининг соврини учун. 18.05 «Оналар мактаби». 18.35 «Янги ўқув йилининг бошланишига». СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин билан суҳбат. 19.05 В. Кикта. «Рус миниатюралари».

19.25 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». Днепропетровск комбайн заводида қишлоқ учун юксак унумли техника тайёрлаш тажрибасидан. Кўрсатувда Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари В. Г. Бойко иштирок этади. 19.55 «Футбол шарҳи». 20.25 «Отанинг уч ўғли бор эди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Отанинг уч ўғли бор эди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». К. С. Петров-Водкин.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Болалар учун фильм. «Барҳаёт қаҳрамонлар». 10.35 «Будильник». 11.05 «Киевнаучфильм» студиясининг илмий-оммабоп фильмлари. 11.45 Ю. Бондарев «Лаҳзалар». 12.40 «Билимимиз—кудратимиз». Телевизион журнал. 13.25 «Рус тили». 13.55 «Кешка ва унинг дўстлари ҳақида ҳикоялар». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.10 Тарих саҳифалари. «Революция бўронлари оша». 16.10 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Камалак». Халқ ижодиётига бағишланган телевизион программаларнинг Халқаро V фестивали. «Яхшилик ва ёмонлик ҳақида афсона». (Сингапур). 19.10 В. Белов. «Плотницк ҳикоялари». Телевизион спектакль. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Советская культура» газетасининг соврини учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Калинин шаҳридан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати. Швейцариядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденисининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун концерт. 12.00 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм. 13.25 П. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Типа лақабли чумоли». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёз хотиралари». 18.45 Совет Армияси жангчилари учун. «Офицер — қаҳрамонона касб» (рус.). 19.15 «Янги ўқув йилингиз билан!» Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси П. К. Қаюмов сўзи. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Камер куйлар кечаси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Ўғилбола гап». Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

II

9.00 — 16.15 МТ II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Чинор». Илмий-оммабоп программаси (рус.). 18.45 «Жонли сув». Хужжатли фильм. («Ўзкинохроника»). 19.15 Врач маслаҳати. 10.30 «Саронжомлик». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Болаликнинг сўнгги ёзи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 21.30 МТ II.

30 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Чехов Ватанида». Телевизион хужжатли фильм. 10.00 «Отанинг уч ўғли бор эди». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.10 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Социалистик мамлакатлар хужжатли фильмлари: «Бизнинг давр — бизнинг кун» (ЧССР). «Асли Созополдан бўлса» (БХР). 15.55 И. Гайдн до мажор «Мария Терезия» симфонияси.

16.25 «Сенинг севимли шогирдларинг». Телевизион хужжатли фильм. 16.45 «Ернинг хўжайинлари». Брянск области қишлоқ ёшлари ҳақида. 17.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.45 «Грин мамлакатининг одами». Болалар учун телевизион спектакль 1-қисм. 18.45 Янги ўқув йилининг бошланишига. Кўрсатувда СССР маориф министри М. А. Прокофьев иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Шаврина рус халқ қўшиқларини ижро этади. 19.45 «Фан ва турмуш». 20.15 «Менинг ҳаётим — армия». Бадиий фильм. 21.30 «Олам кинокамера кўзгусида». Москвадаги VIII Халқаро кинофестиваль. 2-кўрсатув. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 В. И. Левин хотираси учун волейбол бўйича Халқаро турнир. Эркаклар. Одессадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

